Президентнинг болаларга совғаси

Пойтахтимизда Эски Жўва билан Талабалар шаҳарчасини боғловчи йўл бор. Серқатнов йўлдан шаҳарча томон юрсангиз чап қўлда Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармасининг Собир Раҳимов туман бўлимига қарашли 100-махсус мактаб-интернат жойлашган. Мустақиллик туфайли кенг ва равон қилиб таъмирланган йўлдан мактаб-интернат ҳовлисига қадам қўяр экансиз, ҳовлининг тоза, шинамлигини кўриб, баҳаво жойлар экан, дейишингиз табиий. Тўрт қаватли муҳташам бинолар тартиб билан қурилган. Таълим даргоҳининг асосий биноси бугун гавжум, мураббий ва ўқувчиларнинг юзларида қувонч акс этади. Ҳамма байрамона кайфиятда. Республикамиз мустақиллиққа эришганидан сўнг юртимизда ўтказилаётган давлат сиёсатининг ўзига хослиги унинг ижтимоий йўналишидир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ўтган йили «Амир Темур» ордени билан бирга олган пул мукофотини, шунингдек яқинда нашр этилган китобига берилган қалам ҳақини махсус мактаб-интернат ҳисоб рақамига ўтказиб берди.

Мазкур илм даргоҳида асосан ногиронлар таълим олишади. Билим олиш машаққати нечоғли масъулиятли эканлигини шу ерда англайсиз. Замонавий компьютерлар ёнида ишлаётган болаларни кўриб, инсоннинг онг-тафаккури, иродасига таҳсин ўқийсиз. Игна билан қудуқ қазишга тенг мураббийлар меҳнатини кўриб, фидойиликни англайсиз. 1-синф ўқувчилари совғаларни бағирларига босиб: «Бизни ёдидан чиқазмаган Президентимизга раҳмат! Биз у кишининг фарзандларимиз! Келажакда Ватанга хизмат қиладиган фарзандлар бўламиз!» — дейишлари кўнгилни жўштиради, вужудга ҳаяжон солади. Махсус мактаб-интернатда эса илму зиё таратаётган ўқитувчилар, тиришқоқ, илм ўрганишга чанқоқ болалар кишига инсоннинг ақл-заковати, иқтидори нечоғли юксак эканлигини эслатиб туради.

Ҳа, куни кеча ушбу даргоҳда Президент совғаси тақдимоти бўлиб ўтди. Ўқув биносининг кириш жойида Темур бобо сурати нурлангандек, авлодидан миннатдордек жилмайиб туради. Ҳозиргина олган бўйи баробар қўғирчоғини бағрига босган қизалоқларнинг севинчини, спорт либосини бўйига ўлчаётган болаларни, турли ширинликлару бежирим қўйлакларини кўз-кўз қилаётганларнинг қувончини кўриб, илоҳо, шу Ватанимиз дунё тургунча турсин, дея қутлуғ ният билдирасиз.

Давлатимиз бошлиғининг совғаларини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Темур Алимов топширди. Интернат-мактаб тарбияланувчилари номидан сўзга чиққан 9-синф ўқувчиси М. Мирзажонова Ўзбекистон болалари тўғрисида оталарча ғамхўрлиги учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Шунингдек, тадбирда Президент Девони Ахборот марказининг раҳбари Саъдулла Ҳакимов, Президент Девонининг Ишлар бошқарувчиси Зелимхон Ҳайдаров иштирок этди. Байрамона руҳда ўтган тадбир сўнггида тарбияланувчилар ўзларининг концерт дастурларини намойиш этишди.

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 16 февраль, сешанба • № 20 (24.415).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Муҳим дастуриламал

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига жавоблари юртимиз аҳли томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Ўқув юртлари, жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасаларда уни ўрганишга бағишланган анжуманлар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Бадиий академияси санъатшунослик институтида ўтказилган йиғилиш ҳам айни шу мавзуга қаратилди. Унда академия бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзолари, республика рассомлик коллежининг ўқитувчи ва талабалари, санъатшунос олимлар, бошқа ижодий ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбарининг Ватанимиз буюк келажагини барпо этиш асосан ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш билан боғлиқ эканлиги, бу мақсадга эришиш учун уларни тарихимиз, миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялаш ғоят муҳим аҳамият касб этаётгани ҳақидаги хулосалари ижодкорлар фаолиятида дастуриламал бўлиб хизмат қилиши зарурлигини таъкидладилар. Бу эса ҳар бир ижод аҳлидан миллий ва умуминсоний қадриятларни чуқур ўрганиш, уларни амалиётга кенг татбиқ қилишни тақозо этади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев сўзга чиқди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг мусоҳабасини чуқур ўрганиш – долзарб вазифа

ХДП ҳаёти

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси республика Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган, «Ўз тақдиримизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» номли сарлавҳа остида чоп этилган, жавоблари ўзининг мазмун-моҳияти, унда олға сурилган ғоялар, белгиланган вазифалар умуммиллий аҳамиятга молик эканлигини, мазкур ҳужжатда сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва мамлакатдаги бўлажак сайловларда иштирокига оид муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилганлигини инобатга олиб, ХДП аъзолари томонидан уни чуқур ўрганишни уюштириш ҳамда аҳоли турли қатламлари ўртасида кенг тарғиб қилиш юзасидан партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Унда таъкидланишича, мазкур мусоҳабани барча партия ташкилотларида ўрганиб чиқиш ва унинг асосида мафкуравий, тарғибий-ташвиқий ишларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Қарорда мамлакатимиз Йўлбошчиси мусоҳабасидан ўрин олган қоида ва хулосаларнинг кенг мазмун-моҳияти ва муҳим аҳамиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилишга ҳисса қўшиш — маҳаллий партия ташкилотларининг долзарб вазифаси этиб белгиланган.

Сиёсий ижроқўм, шунингдек, услубий ёрдам кўрсатиш мақсадида, партия ташкилотларида ўтказиладиган машғулотларнинг Намунавий режа-мавзуларини ва уюштириладиган маъруза, суҳбат, илмий-амалий анжуманларнинг Намунавий рўйхатини маъқуллади ҳамда партия матбуот нашрлари таҳририятларига Ўзбекистон давлати раҳбари мусоҳабасида кўтарилган ғояларни тушунтириш ишларида фаол иштирок этишни тавсия этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Вазифалар белгилаб олинди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят кенгашида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида баён этилган ғоя ва вазифаларни тарғиб этишда партия ташкилотларининг иштирокига бағишлаб семинар-кенгаш бўлиб ўтди.

Шунингдек, йиғилишда хотин-қизларнинг партиядаги ўрнини янада ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Семинар йиғилишда ХДП вилоят кенгаши таркибига кирувчи шаҳар ва туман кенгашларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

А. ҲАЙДАРОВ

Сув билан тупроқ — азалдан иноқ ***Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 16 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	72,40	1 Польша злотийси	29,85
1 Австрия шиллинги	9,18	1 СДР	155,62
1 Англия фунт стерлинги	182,57	1000 Туркия лираси	0,33
10 Бельгия франки	31,32	1 Финляндия маркаси	21,25
1 Голландия гульдени	57,33	1 Франция франки	19,26
10 Греция драхмаси	3,93	1 Швейцария франки	79,03
1 Дания кронаси	17,00	1 ЕВРО	126,35
1 БАА дирхами	30,57	10 Жанубий Корея вони	0,96
1 АҚШ доллари	112,26	10 Япония иенаси	9,82
1 Миср фунти	32,96	1 Россия рубли	4,90
10 Испания песети	7,59	1 Украина гривнаси	32,71
100 Италия лираси	6,53	1000 Белорусь рубли	0,72
1 Канада доллари	75,30	1 Латвия лати	194,90
1 Хитой юани	13,56	1 Литва лити	28,07
10 Люксембург франки	31,32	1 Молдова лейи	12,84
1 Малайзия ринггити	29,54	1 Қирғизистон соми	3,67
1 Германия маркаси	64,60		

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Аслида шакар кўп, у қаерга ғойиб бўлаётир?!»

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1999 йил 16 январь сонидаги «Аслида шакар кўп, у қаерга ғойиб бўлаётир?!» сарлавҳали мақоласи «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг кенгайтирилган бошқарувида «Қорақалпоқсауда» акциядорлик компанияси, вилоят савдо акциядорлик компаниялари раислари, Тошкент шаҳар Савдо, хизматлар кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи, бирлашмалар, акциядорлик жамиятлари раислари, «Савдогар» газетасининг мухбирлари ва бошқа мутасадди раҳбарлар иштирокида муҳокама этилди ва мақола тўғри деб топилди ҳамда унга танқидий баҳо берилди. Шаҳар савдо департаменти бошлиғи С. Муслимовнинг мақола юзасидан кўрган чора-тадбирлари ва таҳририятга йўллаган жавоб хати инобатга олинди.

Шу билан бир қаторда шакар билан савдо қиладиган сотувчилар ўртасида алоҳида тушунтириш ишларини олиб бориш ва шакар савдосида узилишларга йўл қўймаслик учун шакар олиб келиш юзасидан ўтказилган тендерда ғолиб чиққанлар билан шартномалар тузиш яна бир бор уқтирилди.

Шу нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки 1998 йилда Тошкент шаҳар аҳолисига сотилган 49061 тонна шакар аҳоли жон бошига 23 кг.дан тўғри келди.

Аҳолининг шакарга бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида 1998 йил ноябрда 3500 тонна, декабрь ойида 4571 тонна шакар Тошкент шаҳар савдо департаментига ажратилди, бу эса ҳар бир аҳоли жон бошига 2 ойга 3 кг. 780 гр. тўғри келади.

Тезкор маълумотга қараганда, 1999 йил январда 2000 тоннадан зиёд шакар сотилди, февраль учун ҳозиргача1269 тонна ажратилди.

1999 йил биринчи чораккa тендер асосида белгиланган 20 минг тонна шакар хориждан ортила бошланди. У келиши билан Тошкент шаҳар ва республика вилоятлари савдо акциядорлик компаниялари тизимидаги дўконларга етказиб берилади ва аҳолини шакар билан таъминлаш барқарорлашади.

«Ўзбексавдо» акциядорлик компанияси раиси
З. ФАЙЗИЕВ

* * *

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1999 йил 16 январь сонида чоп этилган «Аслида шакар кўп, у қаерга ғойиб бўлаётир?!» сарлавҳали мақола тумандаги савдо дўконлари раҳбарлари билан ўтказилган йиғилишда муҳокама қилинди.

Мақолада ғоят долзарб масала кўтарилганлиги, савдо корхоналари ишидаги айрим камчиликлар кўрсатилганлиги таъкидланди, йўл қўйилган камчиликлар жиддий танқид қилиниб, уларни тезда бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди ва бундан буён нуқсонларга йўл қўймаслик юзасидан аниқ тавсиялар берилди.

Туман аҳолисига шакар ва 8 турга кирувчи бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил этиш, аҳолини тўла-тўкис таъминлаш масаласи туманда жойлашган ҳамма маҳалла оқсоқоллари ва дўкон раҳбарлари билан биргаликда ўтказилган мажлисда кўриб чиқилган, ҳамда бир-бирига ёндошиш йўли билан савдони ташкил этиш ўқтириб ўтилган.

1998 йилнинг дастлабки 3 чорагида шакар савдосида узилиш бўлмади. Бу давр мобайнида тендер (танлов савдоси) ўтказилиб турилганлиги туфайли савдо шаҳобчалари ўз талабларига асосан хоҳлаган миқдорда шакар олиб турдилар. 1998 йил давомида туман аҳолисига жами 3315 тонна, жумладан 4-чорагида 1185 тонна шакар сотилган.

Юнусобод туманида 289 минг аҳоли истиқомат қилиб, уларга 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан 75 та дўкон хизмат кўрсатади, жумладан, мақолада кўрсатилган «Саида Барака» жамоа корхонаси ён-атрофидаги маҳаллаларда яшовчи 14,5 минг аҳолига «Юнусободсаховат» жамоа корхонаси 16,2 минг аҳолига хизмат кўрсатади.

«Саида Барака» жамоа корхонаси «Баққоллик» акционерлик жамиятидан ноябрь ойида 8,5 тонна, декабрда 10 тонна шакар олиб сотган, бу ҳақда маҳалла оқсоқоли маълумотномаси бор. Бундан ташқари марказлашмаган манбаа орқали Саудия Арабистонидан келтирилган шакардан 24 тоннаси ноябрь ойида ушбу дўкон орқали сотилган.

Дўконга мухбирлар келганида пештахтада қанд маҳсулоти бўлган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги 604-сонли қарорида доимий сотувда бўлиши керак бўлган маҳсулотлар рўйхатида шакар эмас, қанд-шакар деб кўрсатилган.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ажратилган маҳсулотларнинг, харидорларга етиб боришини таъминлаш мақсадида тумандаги маҳалла оқсоқоллари билан мажлис ўтказилиб, унда ҳар бир савдо шаҳобчасига ажратиладиган озиқ-овқат маҳсулоти миқдори маҳалла аҳолисининг сонига қараб белгиланиши ва сотилиши маҳалла назоратида бўлиши таъкидланди. Ўз навбатида ҳар бир савдо шаҳобчасига бириктирилган аҳоли ва ажратилган маҳсулот миқдори тақдим этилди.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни инобатга олиб барча дўконлар томонидан шакар ва бошқа асосий озиқ-овқат маҳсулотлари савдосини ташкил қилиш масаласи қатъий назоратга олиниб, бундан буён нуқсонларга йўл қўймаслик учун ҳамма чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Юнусобод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари
Р. ҚУРБОНОВ

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Қонун бундай дейди, ҳоким ундай...

Баъзан маҳаллий ҳокимлар ўз ваколатларига кирмайдиган ишларга аралашмоқда

Қаерда ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий билим устувор бўлса, ўша жойда тараққиёт изчил кечади. Зотан, ҳар қандай тараққиёт қонунга суянади.

Раҳбар ҳар бир фармон, қарор ёки фармойишни қонун нуқтаи назаридан обдон ўрганиб чиқиши лозимлигини ҳеч ким инкор этмаса керак.

— Сўнгги пайтларда текширишимиз натижасида маҳаллий ҳокимликлар томонидан чиқарилган 14 та фармойиш ҳамда 196 та қарорлар мулк ва корхоналар тўғрисидаги қонунлар талабларига зидлиги сабабли, яна 160 та қарор эса бошқа сабабларга кўра протестлар асосида бекор қилинди, — дейди Қашқадарё вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими бошлиғи Илҳом Холданов.

Жумладан, Қарши шаҳар ҳокимининг ўтган йилнинг 25 март кунидаги Х-196/3 сонли қарори билан шаҳардаги Шибаев шоҳкўчасида жойлашган «ИВС ЛТД» жамиятига тегишли бўлган автосалон кредит қарзини тўламаганлиги сабабли «Тадбиркор» акционерлик тижорат банки ҳисобига олиб берилган. «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасига кўра корхоналар фаолиятига давлат, жамоат ва кооператив идораларининг аралашувига йўл қўйилмайди. Бунинг устига «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддасига кўра мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқини бошқа шахсларга бериш масаласини фақат ўзи ҳал қилади. Ушбу қонуннинг 37-моддасига кўра мулкдорнинг мол-мулкини мажбуран тортиб олиш мумкин эмас.

Шунингдек, Чироқчи туман ҳокимининг корхоналар раҳбарларига темир йўл қурилиши учун туман пахта банки бўлимида 1997 йил 5 февралдаги 53/2 рақамли қарори 4-бандида «Тумандаги 115 та давлат, жамоа-ширкат хўжаликлари, ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, кичик, хусусий, қўшма очилган 70086 рақамли ҳисобга 6000 сўмдан 500000 сўмгача бўлган миқдорда пул кўчириб бериш топширилсин» деб кўрсатилган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-, 54-моддаларида «Мулк шакллари дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади», деб кўрсатилган. Бундан ташқари, «Мулкчилик тўғрисида»ги Қонуннинг 37-моддаси 1-банди талабига кўра «Мулкдорнинг мол-мулкини мажбурий тортиб олишга йўл қўйилмайди». Туман ҳокими эса қонун талабларига зид равишда, корхона, муассаса, ташкилотларнинг ихтиёрини эътиборга олмасдан, уларнинг мулкини мажбуран тасарруф этиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Қашқадарё вилоят ҳокимининг 1998 йил 4 мартдаги Х-75/3 сонли қарори 2-бандига асосан вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳамда шаҳар ва туманлардаги давлат солиқ инспекциялари тузилмаси тасдиқланган. Аммо, мазкур қарорнинг 2-банди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги Қарорнинг 1-банди талабига хилофдир. Чунки, вилоятлардаги давлат солиқ бошқармаларининг штат жадваллари ва низомларини тасдиқлаш ваколати фақатгина Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитасининг раисига берилган, холос.

Бу мисоллардан кўринадики, ҳар бир киши, оддий инсонми, раҳбарми... қатъий назар, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданиятга эга бўлмас экан, ислоҳотлар ва янгиланишлар борасидаги барча ҳаракатлар бесамар кетади. Буни барча тўғри тушунмоғи лозим.

Илҳом КАРОМОВ

Шаҳрисабздаги «Ҳужум» бадиий буюмлар жамоа корхонасида кенг ассортиментдаги каштa маҳсулотлари, чўғдек гиламлар, қадимий дўппилар тикилади.
Бугунги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргир бўлиши учун сифат ва ранглар жилосига катта эътибор берилмоқда.
Суратда: каштадўз Ҳолида Худойбердиева

Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат

Тўғри танқидни тан олмаслик...

Рост гап, «Ўзбекистон овози»нинг ўтган йил 10 декабрь сонида Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси президенти Ф.Ашуров ва ассоциациянинг Фарғона бўлими бошлиғи А.Қурбонов билан бўлган суҳбат асосида ёзилган «Оқловчи! Нега оқлай олмайсан!!!» мақоласини ўқиб, ҳуқуқ посбонлари ишида юз бераётган айрим нуқсонлар ҳақида матбуот саҳифаларида муҳокама юритилаётгани мени қувонтирган эди. Лекин, Фарғона вилоят прокурори ўринбосари Ю. Абдуллаевнинг акс-садо сифатида ёзган «Ҳуқуқий муҳокама ҳақида мулоҳаза» мақоласини ўқигач...

Ю. Абдуллаевнинг кўпчиликка аён бўлган, лекин ҳамма ҳам ошкора айтишга жазм қилолмаётган нуқсонлар хусусида фикр билдирган шахсларни камситиши мени таажжубга солди.

Мудом ҳукм суриб келаётган бир иллат бор. Ким қайси идорада ишламасин, ўша идоранинг нуфузи, ваколати кучлироқ бўлишини истайди. Гўё шундай бўлса унинг обрў-эътибори, мартабаси ҳам улуғ бўлади!

«Оқловчи! Нега оқлай олмайсан!!!» мақоласида асосан прокуратура ходимларида учрайдиган нуқсонлар тилга олингани боис, Ю. Абдуллаев уларни «текислаш»га уриниб, мулоҳаза билдирган шахсларни «уқувсиз»ликда айблаб, ўзи ишлаётган соҳага сачраган доғни тозалашга интиладию, аммо, холисликдан чекинаётганини сезмайди.

Тўғри, Ю. Абдуллаев таъкидлаганидек, мустақил Ўзбекистонимизнинг Жиноят процессуал кодекси жаҳондаги энг ривожланган, энг илғор мамлакатларнинг қонун нормалари билан беллаша оладиган қонунлар мажмуасидир. Уни ўқиб мағзини чаққан ҳар бир фуқаро давлатимизнинг нақадар инсонпарвар эканига ишонади. Лекин, қонунларимиз жаҳон андозалари даражасида бўлгани билан, уни ҳаётга тадбиқ қиладиган, унга итоат этиб иш юритадиган айрим ходимларнинг ҳуқуқий онги жаҳон андозалари даражасидан анча паст.

Узоқ йиллар тергов ва адвокатура идораларида ишлаганим учун биламан, Ф. Ашуров, А.Қурбоновлар нисбатан ёши улуғ, ҳаётнинг пасту баланд, қувончу ташвишларини кўрган, билимли ва тажрибали кишилар. Улар мухбирга неки деган бўлсалар, бари кони ҳақиқат. Жаҳон андозаларига мос келадиган қонунларимизни кўр-кўрона менсимай, фуқароларнинг ҳимоя ҳуқуқини бузаётган ходимлар қилмишини кўриб-билиб, хулосаларини баён қилганлар.

Акс-садо

Одат тусига кириб қолган шундай иллатлар борки, уларнинг қонундан-да кучлироқ ҳукми бор. Ю. Абдуллаев эътироз билдирмаслиги учун фикримни аниқ фактлар билан исбот этишим ҳам мумкин...

Ўша — бир пайтда айрим ноқонуний ишларга чек қўйиш бугун ўзича прокуратурани ҳимоя қилиб мақола ёзаётган Ю.Абдуллаевнинг вазифаси эди. Бу фикримизга у киши эътироз билдирмаслиги учун яна бошқа фактлар бор. Масалан, қонунсиз суд ҳукми билан узоқ йилларга озодликдан маҳрум қилиниб, орадан 2-3 йил ўтгандан кейин Олий суд томонидан оқланган ва ички ишлардаги ўз лавозимига ишга қайтган М.Нигматуллаев, Ш.Рўзматов, М.Жалолов, оддий фуқаролар А.Назиров, Т.Бўтабоевларга ноҳақ жазо белгилашни прокурор сўраган, суд эса жазо тайин этган эмасмиди? Бундай миллатлар борки, уларнинг қонунлари ҳеч ўзгаришсиз турибди. Туман хўжаликларида ҳаммомлар ишламайди. Бу ҳақда туман ҳокими Й.Шойматовдан фикрини сўрасангиз, «Ҳаммомни ишлатсак ҳам одамлар кирмайди, ишонмасангиз, бир кунни айтинг, мен ҳаммомчига: «Ҳаммомингни ишлат», — деб тайинлайман, шунда кўрасизлар, ҳеч ким келмайди, келса ҳам уч-тўрт киши келади, холос», — дейди.

Биз ҳайрон қоламиз. Шу гапни наҳот ҳоким айтяпти? Наҳот, XXI асрга қадам қўяётган замонда ҳам шунақа латифаларни ҳокимлардан эшитсак? Кейин кимга ишонасиз. Кимга одамлар дардини айтсин?!

Ахир кун бўйи даладан чанга ботиб қайтадиган меҳнаткаш ҳафтада бир бора ҳаммомга тушишга ҳаққи бордир? Аввало фақат ёзда ёки фақат «теримчи-ёрдамчилар» учун эмас, ҳаммомлар доимий ишласин, кейин одамлар ҳаммомга бориш-борманслигини ўйлайлик-да.

Қизириқ туманида ичимлик суви масаласи ҳам оғир. Газлаштириш туманда 50-60 фоиз атрофида. Мактаблар қишда умуман иситилмайди. Богчалар бир замонлар ишларди. Ер захлаб кетган. Бунга бир мисол: яна туман ҳокими Й. Шойматовнинг айтишича, ҳатто туман ҳокимлиги биносининг ер тўласи сувга лиқ тўла эмиш. Шуни тортиришга илож бўлмаяпти экан.

Мавзудан «четлаб» кетиш фикримиз йўқ эди. Қолаверса, бу масалаларга эътибор, ғамхўрлик, жонкуярлик, солларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Бундан барча ходимлар зулмкор экан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Жамиятимизда мана шундай тинч-тотув ҳаётни таъминлаб беришда бу соҳа ходимларининг машаққатли меҳнати олқишга сазовор. Лекин, учраётган бундай нохушликлар юздаги чандиқ каби дарҳол кўзга ташланади, киши кўнглини ғаш лайди.

Иш бор жойда хато бўлар, лекин бу хатолар натижасида азоб-уқубатга маҳкум этилган кишилардан узр сўраб қўйиш ҳам инсонийлик, юксак ҳуқуқий онг ва маданиятлилик намунасидир.

Буюк файласуф Шамсиддин Табризийнинг фикрича, нуқсонлар камол сифатларининг ойнаси, уни тан олмаслик эса жоҳилликдир.

Назиржон ИСАКОВ,
Фарғона тумани,
ҳуқуқшунос.

Касалхонадаги машмашалар

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги диққатига!

Соғлиқни сақлаш масканларидаги аҳволни жиддий ўрганиб чиқиш вақти етди... Халқимизга замон талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатиш кўп жиҳатдан соҳани жаҳон андозалари ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилишга боғлиқдир.

Ислом КАРИМОВ

Машмашанинг бошланганига кўп бўлди. Буни Сурхондарёнинг Қизириқ туманида туман ҳокими Йўлдош Шойматовдан тортиб бошқа каттаю кичикгача эшитган. Ҳатто вилоят марказидаги айрим обрўли ташкилотларда ҳам шу гап.

«Ўзи нима гап экан?» — деб Қизириқ туман марказий шифохонаси бош ҳакимининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Салима Арабованинг муҳарририятимизга йўллаган шикоят хатини қайта-қайта ўқиймиз. Унда машмашанинг тагида адолатли жиҳатлар оз эмасга ўхшайди.

Туман марказий шифохонасининг бош ҳакими Прунзе Юсупов: «Мен туманнинг эгаларидан биттасиман, хоҳлаган ишимни қиламан, давримни сураман, мен «облздрав» билан зўрман, ҳокимнинг ҳам ҳеч нарса қилолмайди. Билиб қўй, мен сенга ўхшаганларни...»

«Бу гапларни Юсупов айтди. Сўнг мени шундай ҳақорат қилдики, асло оғизга олиб бўлмайди. Шунча йил ичида қанчадан-қанча адолатсизлик қилиб келаётган бўлсада, чидаб келдим. Касалхонага тегишли 3 та автомашинадан фақат бош врачнинг ўзи, қариндош-уруғлари фойдаланади, касалхонадаги муаммолар билан умуман қизиқмайди. Касалхона учун 3-3,5 миллион сўмлаб маблағ таъмирлашга сарфланади, деб аслида бошқа мақсадларга сарф қилинмоқда...» — дейилади С. Арабова битган шикоятда.

Салима Арабова ёзган шикоят хати биздан олдин ҳам туман ҳокимлиги томонидан 1998 йилнинг октябрь ойида махсус гуруҳ тузилиб, ўрганиб чиқилган. Ҳатто вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳам бошқарма бошлиғининг ўринбосари Норсафар Нурматов раислигида масала юзасидан текшириш ўтказган. Қизиғи шундаки, текширувчилар чиндан ҳам Салима Арабованинг ёзган шикоятида кўрсатилган далиллар аслида тўғри эканлигини эътироф этишган.

Аммо... машмашага ўч мутасаддилар Қизириқ туман касалхонасидаги бу ҳолатга томошабин бўлиб туришибди.

Ўзингиз бир тасаввур қилинг:

Ҳар куни ўнлаб беморлар келадиган туман марказий шифохонасининг бош ҳакими касалхона даволаш ишлари бўйича ўринбосари билан гаплашмас экан?!

Хўш, шундай вазиятда бу ерда қандай соғлом муҳит бўлсин? Беморларга етарлича эътибор, ғамхўрлик масаласида ким қайғуради?

Бош ҳаким П. Юсуповга муовини Салима Арабовани таклиф қилишини сўрадик. «Хонамга келмайди, биз гаплашаймиз», — дейди бош ҳаким.

Ахир қанақасига? Бу ер марказий касалхона бўлса. Ёш болалардек «аразлашиб» қандай бирга ишлаш мумкин?

Бош ҳаким П. Юсуповнинг чиндан ишни билмаслиги, узоқни кўрмаслиги, раҳбарлик салоҳиятининг нўноқлигини яшириш ёки хаспўшлашнинг иложи йўқ.

— Менга барибир, ишни топширишим ҳам мумкин. Аммо ишдан кетсам, Салима Арабова ҳам кетсин. Мен унга айтдим: «Ёзиб юрма, кел яхшиси, ишдан иккимиз ҳам кетайлик», деб. Агар ишдан бир ўзим кетсам, одамлар кулади-да.

— Ҳозир шундай машмаша билан бирга ишлашларингизга одамлар кулишмайдими?

— ...

— Бугун касалхонада қанча бемор бор? Уларнинг нечтаси оғир ҳолатда?

— Билмайман. Мен «главрач»-ку ?! Буларни Салима Арабова билиши керак?!

Бу савол-жавоблардан сўнг, касалхона бўлинмаларини кўздан кечирдик.

Очиғини айтганда, марказий шифохонанинг аҳволи ҳавас қиларли эмас. Беморхоналарда оддий шарт-шароитлар ҳам йўқ. Ҳатто юз-қўлни ювиш учун сув, тоза чойшаб, зарур доридармон ҳам. Буларнинг бари беморларнинг ўз зиммасида.

Марказий шифохонанинг ички дорихонаси 1997 йил 30 декабрь куни туман СЭСи томонидан талабга жавоб бермаслиги учун ёпилган бўлишига қарамай, дорихона ҳалигача «маблағ йўқ» деган баҳона билан ишга туширилмаган. Бироқ, шикоят хатида тўғри таъкидланганидек, дорихонани таъмирлаш учун «топилмаган» 542 минг сўмнинг ўрнига, 1997 йил 43 минг 620 литр бензин, 836 литр автол ёки 880 минг сўмдан зиёдга, 1998 йил эса 37 минг 290 литр бензин, 800 литр автол ёки 1 миллион 800 минг сўмликка яқин ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари сарфланган.

Хўш, бу ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари қаёққа сарф бўлган? Шифохона бош ҳакими ва бош ҳисобчиси берган маълумот бўйича асосий нефть маҳсулотларининг 90 фоизи марказий шифохонага тегишли автоуловларга «ем» бўлган. Йил давомида эса бор-йўғи 80-100 литр миқдоридагина бензин туман хўжаликларининг аҳволи ғоятда оғир 3 та шифохоналарига берилган.

Машмашанинг давоми шундан иборатки, бугунги кунда шифохонага тегишли 17 машинадан 2-3 таси яроқли ҳолда. «Маъмурият учун ажратилган 3 та машина ҳам носоз ҳолатда. Менинг ўзим ҳам пиёда юрибман, машинам бузилиб қолди», — дейди бош ҳаким П. Юсупов.

Аммо казо-казо лавозимли раҳбарлардан иборат вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг текширув маълумотномасида: «Маъмурият учун 3 та автомашина («ВАЗ 21-21» давлат белгиси 05-07 СДА, «УАЗ 3152» русумли, давлат белгиси 04-91 СДЛ, «УАЗ 3962» русумли давлат белгиси 21-18 СДА) ажратилган. Бу автомашиналар касалхона ички тартибига кўра, қаерга ва қачон, нима мақсадда фойдаланилгани «Тез тиббий ёрдам» бўлимидаги «Ташув» журналида қайд этилмаган. Шунинг учун маъмуриятга тегишли машиналар кимга ва қаерга хизмат қилганлиги маълум эмас», — деб кўрсатилган.

Шикоят хатида келтирилган касалхонадаги «РАФ 22031» русумли 61-28 СДМ давлат белгили автомашина ҳақиқатдан ҳам 1995 йил 31 августдаги бош ҳаким П.Юсуповнинг 281-буйруғи билан фуқаро Мўминов Ҳайитга ижарага берилганлиги рост экан. Ушбу ижара шартига кўра ҳам ойда 500 сўм миқдорида пул маблағини ғазнага топшириш кўзда тутилган бўлсада, тўлиқ топширилмабди. 1997 йил янги шартнома тузилиб, ҳар ойига 1000 сўм топширилиши кўзда тутилган экан. Аммо... машинани ижарага берувчи П. Юсуповнинг «сахийлиги» билан яна шу арзимаган «енгиллатилган» ижара ҳақи тўлиқ ундирилмаган. Ундирилганлари ҳам қонуний банкка топширилмасдан фойдаланилган. Ёки яна бошқа бир мисол: 1998 йил бош ҳаким П. Юсупов «Сурхон МПАКТ» корхонаси раҳбарияти билан капитал таъмирлаш учун ўзаро 2843,0 минг сўмлик лойиҳа тузишиб, ўзлари тасдиқлаганлар. Шу лойиҳага асосан 1 миллион 439 минг 400 сўм маблағ сарфланган. Қилинган ишларни ишчи гуруҳлари тасдиқлаган. Лекин ҳамма гап шундаки, таъмирлаш ишлари бўйича смета лойиҳаси ҳокимият тизимидаги лойиҳа тузувчи ташкилотларда тасдиқланиши лозим эди. Бажарилган ишларни қабул қилишда эса махсус мутахассислардан иборат комиссия тузилмаган ёки вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг қурилиш бўйича мутахассислари ҳам иштирок этмаган.

П. Юсуповнинг ўзбилармонлиги натижасида, таъмирлаш ишлари жуда сифатсиз бўлиб, сарфланган маблағга яраша эмаслиги аниқланган. Булардан шу нарса аёнки, марказий шифохонада нафақат носоғлом муҳит, балки моддий жавобгарлик, иқтисодий пала-партишликка йўл қўйилиб келинаверган. Бу ҳолга эса назорат органларининг ҳам қуруқ томошабин бўлиб қолишаётганлиги ажабланарлидир.

Очиғини айтганда, энг аянчли томони бошқа масалада:

Туманда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, ўткир юқумли касалликларнинг олдини олиш, болаларнинг соғлом ва бақувват ўсиши учун қилинадиган қанчадан-қанча ишлар, бу борадаги ечимини кутаётган муаммолар бўлсада, мавжуд аҳвол аслида ниҳоятда ташвишли эканлигини қуйидагилар ошкор этади:

— Туманда 72 мингга яқин аҳоли яшайди. Ана шуларнинг тенг ярмидан кўпроғини хотин-қизлар ташкил этади. Она бўлиш бахтига муяссар бўлаётганларнинг эса 70 фоизидан кўпи камқонлик касаллиги билан оғриган. Сариқ, ўткир ичак, ошқозон, турли тери-таносил касалликлари билан дардга чалинаётганлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Болалар ўлими ҳам юқори ҳолатда. Туман хўжаликларидаги касалхоналар ғоятда хароб. Беморларга кўрсатилаётган «Тез тиббий ёрдам» хизмати йўқ даражада.

Журналист текшируви

Умуман, Қизириқ туманида нафақат иқтисодий ислоҳотлар, балки ижтимоий аҳвол сўнгги 3-4 йилда бир жойда ҳеч ўзгаришсиз турибди. Туман хўжаликларида ҳаммомлар ишламайди. Бу ҳақда туман ҳокими Й.Шойматовдан фикрини сўрасангиз, «Ҳаммомни ишлатсак ҳам одамлар кирмайди, ишонмасангиз, бир кунни айтинг, мен ҳаммомчига: «Ҳаммомингни ишлат», — деб тайинлайман, шунда кўрасизлар, ҳеч ким келмайди, келса ҳам уч-тўрт киши келади, холос», — дейди.

Биз ҳайрон қоламиз. Шу гапни наҳот ҳоким айтяпти? Наҳот, XXI асрга қадам қўяётган замонда ҳам шунақа латифаларни ҳокимлардан эшитсак? Кейин кимга ишонасиз. Кимга одамлар дардини айтсин?!

Ахир кун бўйи даладан чанга ботиб қайтадиган меҳнаткаш ҳафтада бир бора ҳаммомга тушишга ҳаққи бордир? Аввало фақат ёзда ёки фақат «теримчи-ёрдамчилар» учун эмас, ҳаммомлар доимий ишласин, кейин одамлар ҳаммомга бориш-борманслигини ўйлайлик-да.

Қизириқ туманида ичимлик суви масаласи ҳам оғир. Газлаштириш туманда 50-60 фоиз атрофида. Мактаблар қишда умуман иситилмайди. Богчалар бир замонлар ишларди. Ер захлаб кетган. Бунга бир мисол: яна туман ҳокими Й. Шойматовнинг айтишича, ҳатто туман ҳокимлиги биносининг ер тўласи сувга лиқ тўла эмиш. Шуни тортиришга илож бўлмаяпти экан.

Мавзудан «четлаб» кетиш фикримиз йўқ эди. Қолаверса, бу масалаларга эътибор, ғамхўрлик, жонкуярлик, ташаббусорлик қилинмас экан, аҳвол ўнгланмайди. Бунга эса нафақат бош ҳаким, балки ҳоким ҳам, бошқа мутасаддилар ҳам масъул бўлмоқлари лозим эмасми?

«Мен ҳеч қандай шикоят хати ёзмаган бўлар эдим. Ҳамма ғалва дастлаб касалхона маъмуриятига тегишли машинадан бир беморнинг аҳволидан хабар олиш учун ярим соатга яқин фойдаланганимдан бошланди. Шунинг учун бош врач мени қаттиқ ҳақорат қилди. Шундан сўнг юрагимдаги сабр косаси синди», — дейди Салима Арабова.

Юқорида таъкидлаганимиздек, у туман ҳокимлигига, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига арз этди. Аммо... на туман ҳокимлигидагилар, на вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидагилар жиддий муносабат билдиришди. Ҳатто вилоят ССБнинг муовини Н. Нурматовдан бу борада биздан аввал текшириш ўтказгани учун фикрини сўрасак:

— Ҳа, у аёлми, ҳали шошмай турсин, унинг ўзининг устидан ҳам шикоят бор, текширамиз. Ўзини ишдан ҳайдаш керак. «Отпуска»да экан, келса бизга хабар беринг, — дейди.

Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов 1999 йилни Аёллар йили, деб эълон қилган бўлсалару масалага холис ва жиддий ёндошадиган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг муовини бўлмиш Х. Нурматовдек раҳбарларнинг аёл қадрига нохолис ва номуносиб фикрда эканлиги ажабланарлидир.

Хуллас, кўриб турганингиздек, оддий машмашадек туюлган бу гапларнинг тагида ана шундай оғриқли масалалар ечими борлиги маълум бўлади.

Абдурасул ЖУМАҚУЛ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Васиятлар нархи ярим миллиард доллар

Таниқли меценат (санъат ва маданият ҳомийси) Пол Меллоннинг АҚШ санъат миллий галереяси ва бошқа муассасаларга васият қилиб қолдирган тухфалари нархи ярим миллиард долларга тенг, деб баҳоланмоқда.

Жорий йилнинг 1 февралида 91 ёшида вафот этган П. Меллон миллий галереяга пул маблағидан ташқари юздан ортиқ санъат асарларини мерос қолдирган. Ван Гог, Клод Монэ, Пол Сезанн, Пьер Огюст Ренуар, Эдуард Манэ, Эжен Делакруа каби мусаввирлар яратган санъат дурдоналари шулар жумласидандир. Васиятга кўра, мазкур асарлар П. Меллоннинг рафиқаси Рэчел Ламберт Ллойднинг вафотидан кейингина музей ихтиёрига ўтади.

Бундан ташқари, П. Меллон ўзи асос солган Йель университетидаги Британия санъати марказига 75 миллион доллар ва санъат ихлосмандлари уларни бепул томоша қилиш шарти билан 130 та сурат, Виржиния штати нафис санъат музейига 10 миллион доллар ҳамда 50 та сурат, шунингдек, бошқа университетлар ва коллежларга кўплаб миқдорда маблағ қолдирган.

(ЎзА)

Нажоткор эман

Табиат мўъжизаси

Чексиз осмонни ўзига бўйсундира олган инсон баъзида ёнгинасида рўй бераётган ҳодисадан ёқа ушлайди. Минг дардга даво Александрия тупроғи, дунёнинг аллақайси чеккасидаги «сирли фаввора», яна қайсидир юртдаги «нурли қабр»... Очиғи, шу янглиғ ҳодисалар сир-асрорини билишдан кўра, қандайдир маънода эзгуликларни англашга қизиқсиниб қоламан.

Табиатнинг ўзи хилқат. Биз унга руҳан чамбарчасдай туюламиз. Қрим ўлкаси фусункорликда азалдан маълум. Шу ўлканинг Богчасарой туманидаги оддийгина эман минглаб одамларнинг зиёратгоҳига айланишиям шундандир. Кўздан сал нарида ўсадиган бу дарахтни богчасаройлик ёшу қари билади. Қадимдан унинг тарихи билан боғлиқ кўплаб афсоналар тўқилган. Айтишларича, эманни йўловчининг жонига ора кириб, соя солсин дея Олимп (осойишталик) худоси Дионис ёки Пан ўтқазган экан. Олимп салтанатидан қувилган Пан ҳатто бутунлай шу маконда муқим яшаганмиш... Албатта, булар афсона.

Симферополь ўлка музейида эманнинг ёшига 300 йил тўлганлиги қайд этилган. Унинг ёши унчалар ҳайратли эмас. Ахир чинор ҳам неча юз йиллаб умр кўради-ку.

Эман одамларни дардини «эшитади». Турли жойлардан бугун богчасаройга одамлар нажот истаб (ишонувчилар, албатта!) келишяпти. Биров тан дардига, кимдир қалб ярасига малҳам сўрайди. Эманнинг танасида каттакон ковак — «ғорча» бор. Мадад кутгувчи шу жойга келиб битик ёзиб ташлар ё дилидагини тўкиб соларкан. Сеҳрли дарахт унга бир неча кун ўтгач истагини мустажо этармиш.

Одам боласи қизиқ, баъзан ёвуз мақсадлар билан келувчилар ҳам бўлади. Шум ниятли кимса келиб ўз «касали»ни айтади. Тун бўйи қасд олишда мадад сўрайди. Табиатда ҳам нафрат уйғонади чоғи, тонг бўзарганда дабдурустдан кучли довул туради. Ҳаммаёқ остин-устун бўлади. Осмон гумбирлаб, яшин чақнайди. Яшин тушиб, эманнинг танасини қоқ бўлиб, заминга кириб кетади...

Эман қуриб қолди. Ҳодисани Никитскдаги ботаника боғидан келишган махсус олимлар гуруҳи ўрганиб чиқди. Баъзи мутахассислар эманни яшин «урган» деса, бировлари қарши чиққан. Чунки эман тонг отмасдан қоп-қорайиб қолганди, деган фаразни айтишди. Бу табиатда кам учрайдиган «дарахтлар ҳам ўзини ўзи «ўлдиради» деган фаразга яқин эди.

Маскан энди «қора кучлар» қўлига ўтганди. Беҳосдан тош кўчар, зиёратчилар ташвишга тушиб қолишади. Пок одамлар барибир қадамини узмайди. Айтишларича, бир куни ёш болакай қуйган эман ёнига келиб қолади-да, шундай битик битади: «Раҳмат сенга эман! Борлигинг учун минг шукр. Менга ҳеч нарса керакмас, фақат сен куймагин, илтимос, яна «ўзингга» қайт, яшил бўлгин. Сени бирам яхши кўраман...» Шундан сўнг ақл бовар этмас ҳодиса рўй берди. Эман «тирилди». Яна эман «юмшади», фақат энди қадимги савлатли дарахт ўрнида қоқ иккига ажраган қуриб қолган, каллаклангансимон ёғоч сал ваҳималироқ кўринади. Яшил таровтидан асар йўқ. Майли, қуйган бўлсин. Барибир савоб улашаверяпти. Яна келгувчилар оқими ошаяпти. Азалий ковак ҳалиям бор.

Ҳатто бир кимса: «Худойим, менга ақл-фаросат ато эт!» деб ёзиб кетибди. Аёллар севган одамидан айирмасликни, шифо истаб ёзишади, эркаклар қийинчиликларга бардош сўрайди, фарзанд истаб беҳисоб зиёратчилар келишади. Қизиғи, ҳеч ким «Менга давлат, бойлик бер» демас эмиш.

Нажоткор эман ҳозир ҳам бор. Богчасаройга одамлар руҳий мадад истаб ҳалиям боришади. Негадир кўнглимда агар эман қаршисида бўп қолсам нима сўрардим, деган ўй ўтади... Беғубор болакайнинг истагиданда яхши истак тополмайман.

Майли, булар афсонага йўйилсин. Инсонлар эзгулик истаб боришади. Назаримда ўша дам у руҳан покланади ҳам. Ўйланиб қоласан киши, жимгина «эшитади» ҳамма дарахт ҳам агар ёрилсангиз. Шуниси ҳам яхшидир. Барибир кўнгил бўшаб, енгил тортасиз-да.

Руҳан енгил бўлиш, керак, бу жуда зарур.

Саида БОНУ

Хабар рад этилди

Ироқ ҳукумати Чехия оммавий ахборот воситаларининг Прагадаги «Озодлик» радиостанциясига нисбатан Ироқ махсус хизмати томонидан қўпорувчилик ҳаракати тайёрлангани тўғрисидаги хабарини расман рад этди. Шу муносабат билан Ироқнинг Чехиядаги элчихонаси томонидан тарқатилган баёнотда айтилишича, Ироқ махсус хизматининг террорчилик фаолиятига умуман алоқаси йўқ ва у ҳеч қандай қўпорувчилик ҳаракати содир этишни режалаштирмаяпти.

Ироқ томонидан «Озодлик»ка нисбатан қўпорувчилик ҳаракати тайёрлангани тўғрисидаги шов-шув Бағдод махсус хизматининг Марказий Европадаги резиденти Жабир Салим Буюк Британиянинг «Ми-6» махсус хизматига шу ҳақдаги маълумотни етказгандан сўнг келиб чиққан эди. Бу маълумотни «Ми-6» Чехия махсус хизматига етказганди.

Авесто

Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади.

Ислом КАРИМОВ

«Авесто» коинот ва замин ҳодисалари пайдо бўлган даврнинг, дунёнинг яратилиши, миллат ва элатлар, замин ва осмон, ҳайвонот ва наботот китоби. «Авесто» фақат одамнингтина эмас, балки бир ҳовуч тупроқ, бир қултум сув, бир нафаслик ҳавонинг ҳам илоҳийлиги ҳақидадир. Бу муқаддас рисола ернинг, дарёлар, кўл ва тоғлар, туялар уюри, итлар ва шаҳарларнинг бунёд бўлиш тарихига доирдир.

«Гулистон» журналида «Авесто» ўзбек тилида чоп этилмоқда. Биз ушбу қадимий китобдан бир парчани газетхонлар ҳукмига ҳам ҳавола этишни лозим топдик.

Вандидод китоби

«Вандидод» Янги «Авесто»нинг кейинги таркибларидан бири. Аммо баъзи авестошунословларнинг фикрига кўра, унинг ўзи яхлит асар бўлиб, қадимий муғларнинг одат ва анъаналари, расм-русумлари, ахлоқ-одоб, маданият ва маорифини ўз ичига олган.

Миллат ва тарих

«Вандидод» авестойи «Вайдавидота» сўзининг ихчамланган шакли бўлиб, уч қисмдан иборат: биринчи «Вай» жузъининг маъноси «узоқлик», «жудолик» маъносини англатиб, кўплаб авестойи феъллар ва номларга қўшилиб келади. Иккинчи «доифа» жузъи «дев» сўзининг кўплик шакли; учинчи «дота» жузъининг маъноси «қонун», «низом» маъноларини ифодалайди. Шундан хулоса қилиш мумкинки, «Вандидод» ёхуд «Вайдавидота» сўзининг ўзбекча маъноси «Девларни узоқлаштиргувчи қонун» ёки «Девларга қарши низом»дир.

Биринчи Фаргард[1]

Аҳура Мазда[2] Сипийтмон[3] Зардуштдан[4] ҳол сўрди-да шундай деди:

2 Мен ҳар бир сарзаминни, улар гарчи роҳатбахш бўлмаса-да, халқлари наздида хуш қилиб яратдим.

Агар мен ҳар бир сарзаминни, улар гарчи роҳатбахш бўлмаса-да, халқлари наздида хуш қилиб яратмаганимда, бутун-бутун эллар «Ийрон Виж[5]»га томон юз бурардилар.

3 Мен — Аҳура Мазда — яратган илк сарзамин ва бирламчи юрт бу — «Доитиё[6]» дарёси соҳилидаги хушманзара Ийрон Виж эди.

Шундан сўнг бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман[7] келдида. Доитиё дарёси қаърида Аждаҳони[8] яратди. Ва бу зимистон девларини борлиқ олам устидан ғолиб қилди.

4 У ерда ўн ой зимистон ва икки ой ёз фасли ҳукмрон бўлади. Бироқ шу икки ойда ҳам ҳаво сув, тупроқ ва дарахтлар учун совуқдир[9]. Зимистон у ерга даҳшатли фалокатлар келтиради.

5 Мен — Аҳура Мазда — яратган иккинчи сарзамин ва гўзал Сўғд диёри эди.

Шундан сўнг бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, Храфстралар[10] жинсига мансуб Скайатя[11]ни яратди. У бутун подага ўлим уруғини сочди.

6 Мен — Аҳура Мазда — яратган учинчи сарзамин ва гўзал юрт кудратли ва пок Марв диёри эди.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, хусуматдан гуноҳкор хоҳишларни яратди.

7 Мен — Аҳура Мазда — яратган тўртинчи сарзамин ва гўзал юрт зебо ва ораста Балх диёри эди.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, адоватдан Бравараниг[12] яратди.

8 Мен — Аҳура Мазда — яратган бешинчи сарзамин ва гўзал юрт Балх ва Марв оралиғидаги Нисоядир.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, душманликдан умидсизлик ёзуғларини яратди.

9 Мен — Аҳура Мазда — яратган олтинчи сарзамин ва

1

гўзал юрт Ҳирот ва унинг дарёчасидир[13].

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, қаҳр-ғазабдан кўз ёши ва зардобни яратди.

10 Мен — Аҳура Мазда — яратган еттинчи сарзамин ва гўзал юрт бадсояли Ваиҳа Гирта[14] эди.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, хусуматдан пари Хнасатайни[15] яратди. У Гаршаспга[16] қовушди.

11 Мен — Аҳура Мазда — яратган саккизинчи сарзамин ва гўзал юрт кенг яйловли Авравадир[17].

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, зулмпарвар фармонлар гуноҳини яратди.

12 Мен — Аҳура Мазда — яратган тўққизинчи сарзамин ва гўзал юрт Гўргондаги Хнинтадир[18].

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, кечирилмас гуноҳ бўлган «баччабозлик»ни яратди[19].

13 Мен — Аҳура Мазда — яратган ўннинчи сарзамин ва гўзал юрт дилкаш Ҳараваятадир[20].

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, «мурдаларни тупроққа топширишдек» кечирилмас гуноҳни яратди[21].

14 Мен — Аҳура Мазда — яратган ўн биринчи сарзамин ва гўзал юрт серҳосил Хийрманддир[22].

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, хусуматдан жодугарларнинг зиёнли жодуларини яратди.

15 Жоду афсункор нигоҳ йўлидан ҳосил бўлади. Ҳар вақт жоду йўлиқар бўлса ва афсун бош кўтарса, жодуни маҳв этгувчи амал бажарилади.

Изоҳлар

1. Фаргард — маъноси «кесик» ёхуд «бўлак». «Вандидод»нинг алоҳида бир қисми. Баъзи қадимий Шарқ адабиётлари ҳам шу ном билан аталган, жумладан, бу сўз араб поэзиясига «фиржард» (кўплиги «фиржардот») шаклида кириб келган.

2. Аҳура Мазда — асл авестойи шакли «Аҳура Маздоҳ». Ҳақиқат («Оша») ва эзгулик оламининг яратгувчиси. Оламда неки пок, неки эзгу унинг номи билан боғланади. Маздапарастлик дини илоҳи. Қадимий манбаларда бу ном «Аҳура Мазд», «Ҳурмазд», «Урмазд», «Аҳуройи Мазд», «Ҳурмуз» шаклларида қўлланилган. «Авесто» матнларида бу ном уч хил ҳолда ишлатилган «Аҳура», «Мазда», «Мазда Аҳура».

«Аҳура Мазда» номи икки жузъдан иборат: «Аҳура» ва «Мазда» («Маздоҳ»). «Аҳура» санскрит тилидаги «Осура» қадимги ҳинд асотирларида бир гуруҳ девлар унвонини ифодалайди. Шарқ асотирларига кенгроқ ёйилган бу ном оламларни яратган илоҳ маъносида қўлланилган. Ҳиндларнинг қадимги асотири бўлган «Пиражопатий»да «борлиқнинг яратгувчиси» маъносини ифодалаган Аҳура Ҳудолар отаси бўлиб, ибтидода ёлғиз бўлган. Аҳура, ҳиндлар истилоҳи билан айтганда «браҳмана», «дива» ва «асура»ларни яратган. «Дива», яъни ҳудолар унинг дамидан, «асура»лар — девлар унинг бодидан пайдо бўлган.

«Авесто»да Аҳура буюклик ва ҳаққоният тимсоли. У ҳудолар ва одамлар орасида фақат эзгулик, адолат, мардлик ва поклик ҳимоячиси. Паҳлавий тилига ўзлашгач «худойи» шаклини олган Аҳура, бора-бора «худойи» сўзига айланди.

«Мазда» — ҳушёр, доно, огоҳ каби маъноларини ифодалайди. Паҳлавий тилига ўзлашгач, «данак», сўнгра «доно» тусини олган. Санскрит тилидаги «Мизос» ҳам айни шу маънога эга. Ҳулоса қилиб айтганда, «Аҳура Мазда» — «Доно раҳнамо, йўлбошчи», «Оқил Яратгувчи» маъноларини ўзида ифода этади.

3. Сипийтмон — «Авесто»да «сипийтома». Пайғамбар Зардуштнинг тўққизинчи бобосининг номи. «Сипийтмон» сўзининг асл маъноси тугал равшан эмас. Дастлабки «сипийта» сўзи «оқлик» маъносини англатади. Қадимги паҳлавий, форс ва араб манбаларида бу сўз турли шаклларда қўлланилган, чунончи: «сипийтама», «исбиймон», «сибиймон», «сипинтамон», «испантамон» ва ҳоказо. Баъзи авестошунословларнинг фикрига кўра «Сипийтмон» пайғамбарнинг болаликдаги исми бўлиб, унинг тўққизинчи бобоси шу исм билан аталган, — «Зардушт» исми эса, пайғамбарликка эришганидан сўнг берилган.

4. Зардушт ёки Зартушт — «Авесто»да «Заратуштара». Бир таъбирга кўра «Сариқ туя соҳиби» маъносини билдиради. Бошқа таъбирга мувофиқ «Заррин ёруғлиқ эгаси» маъносини ифодалайди. Зардуштий ёхуд маздапарастлик динининг асосчиси.

5. Ийрон Виж — «Авесто»да «Айрйана Ваижа» ёки «Айрйана Ваижангаҳ». Қадимги Шарқ халқлари истиқомат қилган манзилнинг номи. Кўплаб авестошунословларнинг якдиллик билан қилган эътирофига кўра бу юрт ҳозирги Хиванинг ўрнида бўлган «Вандидод» китобининг 1-фаргард, 3-бандига кўра «Ийрон Виж» Аҳура Мазда яратган ўн олтинчи «сарзаминнинг энг бирламчиси ва энг гўзалидир. Бунга қарши ўлароқ ёвузлик Худоси Аҳриман Аждаҳо, Қиш ва Девни яратади.

6. «Доитё ёки Доитий» — «Авесто»даги асотирий дарёнинг номи.

Баъзи авестошунослар уни Амударё (Арс) ёхуд Зарафшон дарёларига нисбат берганлар.

7. Аҳриман — «Авесто»да «Ангар Майню». Паҳлавий ва форс тилларида «Аҳриман», «Аҳриёман», «Аҳирман». Маъноси — «Жанг ва Душманлик олами». «Янги Авесто»да ва маздапарастлар динида Аҳриман душман девлар, жодулар ва париларнинг сардори. Аҳура Мазданинг муросасиз душмани. Аҳура Мазда Аҳриман хусусида сўз юритаркан, «бутун борлиғи ажал билан йўғрилган», деб таърифлайди.

8. Аждаҳо — «Авесто»да «Азидаҳона», «Паҳлавийда «Аздаҳог», форсчада «Аждаҳо» ёхуд Заҳҳок. Бутун кирдикори ёмонликдан иборат бўлган Аждаҳо, уч калла, уч оғиз ва олти кўзлидир. Унинг мақсади жаҳонни одам зотидан тозалаш. Ёмонлик илоҳи Аҳриман уни шу мақсадда яратган.

9. Баъзи шарқшунос олимлар, авестошунослар, хусусан доктор Муҳаммад Муйиннинг фикрига кўра, ғоят қадим замонларда, эҳтимолки бугун иқлими бениҳоя мўътадил бўлган бизнинг тупроғимизда ҳам йил фасллари ҳозиргига қарагганда бирмунча фарқ қил-

2

ган. Чунончи, «Вандидод»нинг тўртинчи бандида таърифланганидек, қиш ўн ой, ёз эса атиги икки ой.

10. Храфстра — барча заҳарли, зараркунанда жониворлар ва ҳашаротларнинг номи. Бутун кирдикори ёмонликдан иборат бўлган бу аҳриманий мавжуд аҳуравий кучларга қарама-қарши ўлароқ яратилди. Маздапарастлар эътиқодига кўра, Храфстраларни ўлдириш ва йўқ қилиш хайрли амаллардан ҳисобланган.

11. Скайатя — храфстра турига мансуб (10-изоҳга қаранг) ҳашарот. Борлиғи ёмонликка йўғрилган Аҳриман ер юзининг иккинчи сарзамини — гўзал Суғдни яратган Аҳура Маздага қарши ўлароқ бу ҳашаротни яратди. У бутун сигирлар подасига қирғин келтириши керак эди. «Вандидод» шарҳларида келишича, скайатя ҳашарот ғалла ва ўсимликлар ичига яшириниб олади ва ўзининг заҳарли нишини ҳайвонга санчади.

12. Бравара — хусуматкор Аҳриман Балҳ сарзамини яратилиши билан жамики аҳуровий мавжудотга зидма-зид ўлароқ яратган жониворларнинг номи. Баъзи авестошунослар бу жониворни уруғларга қирон келтирувчи чумолига нисбат берган бўлсалар, тадқиқотчиларнинг баъзилари мазкур сўзнинг маъноси мавҳум деганлар.

13. Бу ўринда сўз ҳозирги Афғонистон ҳудудидаги Ҳирот ва унинг Ҳирируд дарёси ҳақида бораётир. Бу иборалар юзасидан ҳам турли мунозарали қарашлар йўқ эмас.

14. Ваиҳа Гирта — бу авестойи истилоҳ қадимий паҳлавий тилига «бадсояли Кобул» тарзида таржима қилинган. Бу Аҳура Мазда яратган гўзал юртнинг номи. Бошқа манбаларда ушбу истилоҳ «Вайу Кирта» шаклида дуч келади. Маъноси «Ҳаво мавжудоти». Бу иборанинг «Кобул»га нисбат берилиши «Авесто»нинг паҳлавий матнларида кўзга ташланади. Шунга қарамай уни Қандаҳор шаҳрига нисбат бергувчилар ҳам бор. Аммо «соя» сифати юзасидан ҳам турли қарашлар мавжуд. Жумладан, нима учун Аҳура Маздaнинг гўзал масканларидан бири «бадсоя», яъни «ёмон соя» ибораси билан сифатланиши ҳамон қоронғулигича қолмоқда.

15. Хнасатай — бутпарастлик париси. Аҳриман душманлик юзасидан Аҳура Мазда яратган Впиҳа Гирта (Кобул) шаҳри муқобилида яратди. Бу пари Гаршаспнинг руҳига йўл топади ва унга қовушади. «Вандидод»нинг бошқа бўлимларида ҳам бу пари тилга олинади. Чунончи, 19-фаргарднинг 5-бандида Зардушт Аҳриманга дейди: «Мен девлар яратгувчи Хнасатай парини ўлдираман!»

16. Гаршасп — «Авесто»да «Крисаспа». Маъноси «лоғар от эгаси». Қадим Шарқ, асосан, форс асотирларидаги ёрқин чеҳраларидан бири. «Авесто»нинг кўп ўринларида Гаршасп «забардаст», «тик сочли», «гурзи кўтарган паҳлавон» сифатлари билан таърифланади. Машҳур эрон авестошуноси Иброҳим Пурдовуд Гаршаспни «Шоҳнома» достонидаги Рустам ва юнон асотирларидаги Ҳераклга ўхшатади. Бу, албатта, тўғри қиёслаш. Бироқ, «Авесто» ва бошқа диний матнларда дуч келгувчи Гаршасп илоҳийдир. Зеро, у ҳамиша, гўллар, аждаҳолар, умуман, аҳриманий балоларга қарши буюк мардонаворлик билан курашади. Аммо, «Шоҳнома»нинг мислсиз қаҳрамони Рустам сиймоси Гаршаспга нисбатан бирмунча ҳира тортади. Зеро, Рустамнинг жанглари заминий ва инсоний.

Исломдан кейинги «Шоҳнома», «Гаршаспнома» ва бошқа диний матнларда ҳам Гаршаспнинг афсонавий қаҳрамонликлари ҳақида ажойиб ривоятлар бор.

17. Аврава — Аҳура Мазда яратган саккизинчи сарзамин. «Вандидод»да «Аврава» бўлиб йўловлар юрти сифати билан қўлланади. Айрим авестошунослар Авравани Тус вилоятида дейдилар.

18. Хнинта — Аҳура Мазда яратган тўққизинчи сарзаминнинг номи. «Занд Вандидод» («Вандидод шаҳри»)да келишича «Гўргонда дарёлардан иборат Хнинта номли макон бор».

19. Баччабозлик — «Авесто»нинг форсча матнида «кун варзий» деб олинган бу истилоҳнинг ўзбекча шакли вульгар маъноси англатади. Ҳамма даврў замонларда жамиятнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлган бу қабиҳ одат бундан уч минг йил бурун дунёга келган. «Авесто»да ҳам энг чиркин ҳодиса сифатида қораланади. Масалан 8-фаргарднинг 31-32-бандида шундай дейилган:

«Дев ким?

Девпараст ким?

Эркак девлар билан ётгувчи ким?

Девлар билан ётгувчи урғочи ким?

Урғочи «дев» ким?

Ким у ўз ичида дев сийратдир?

Ким у бутун тириклиги давомида девга монанддир?

Ким у ўлимидан бурун ҳам девсимон эди ва ўлимидан кейин ҳам дев каби нопайдодир (йўқдир.)

Аҳура Мазда жавоб берди:

Эркак билан қўшилган эркак ёхуд бир эркакнинг ўзи билан қўшилишига ижозат берган эркак девдир.

У девпарастдир.

У эркак девлар билан ётгувчидир.

У девлар ётгувчи урғочи девдир.

У урғочи девдир.

У ўз ичида девсийратдир.

У бутун тириклиги давомида девга монанддир.

У ўлимидан бурун ҳам девсимон эди ва ўлимидан кейин ҳам дев каби нопайдодир (йўқдир).

Эркак билан қўшилган эркак ёхуд бир эркакнинг ўзи билан қўшилишига ижозат берган эркак шундайдир. (Зардуштийлик динида бу қабиҳ гуноҳга йўл қўйган одамга ҳеч қандай далил-дастурсиз ва гувоҳсиз ўлим ҳукми буюрилган — тарж.).

20. Ҳараваята — бу авестойи манзилни аниқлашнинг имкони йўқ. Айрим тадқиқотчилар «Ҳарут» ёхуд «Ҳирот» деб талқин қилганлар. Аммо бу фикрда якдиллик йўқ.

21. Бу ҳолнинг ҳикмати 3-фаргарднинг 36,39-бандларида баён қилинади.

22. Ҳийрманд — Сийистондаги Ҳийрманд дарёси соҳилидаги серҳосил ва гўзал Ҳийрманд. Аҳура Мазда яратган ўн биринчи юрт.

Асқар МАҲҚАМ таржимаси

(Давоми бор)

3

Боғ-роғлар кўпаяди

ХДП ҳаёти

Амударё сувининг Орол денгизига қуйилиши экологик муҳитнинг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатди. Орол этакларидаги кўллар сувга тўлди. Сувга ташна қақраб ётган ерларда майсазорлар вужудга келди.

Чорвачиликка ихтисослаштирилган Бўзатов тумани марказида, овулларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришда ибратли ишлар амалга оширилди. Янги-янги кўчалар очилди. Туманда кўчаларнинг икки томонидаги ариқларнинг бўйларига 164354 туп терак, 4653 туп мевали, 1000 туп ток, 716 туп манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

ЎзХДП туман кенгаши ва «Экосан» жамғармаси туман бўлими билан ҳамкорликда ҳовли атрофи, кўчаларни тоза сақлаш, томорқаларини боғ-роғларга айлантириш бўйича кўрик-танлов ўтказди.

Кўрик танловда туман маркази фермери Иноят Қолжонов, «Эркиндарё» овули фельдшери Давлатбой Байниёзов, Тўрткўл овули фермери Шеримбек Жуманиёзовлар ғолиб чиқдилар. Уларнинг ҳар бири 7 минг, 5 минг, 3 минг сўмдан пул мукофотлари билан тақдирланди. Бу кўрик-танловда фаол қатнашган партия аъзолари ва бошқа фаолларга «Ҳурмат ёрлиқлари» топширилди.

Мумтоз шоир Бердақ Қарғабой ўғли таваллудининг 170 йиллиги муносабати билан Бўзатов тумани марказига кираверишда 20 гектарлик боғ яратилди. Боғда бобомизнинг бронзадан ишланган бюсти ўрнатилди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мижоз ризоси — тараққиёт белгиси

Ислоҳот ва масъулият

Ўтган ҳафта Андижонга бордик. Қўҳна ва навқирон шаҳар қиш бўлишига қарамай бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Замонавий тайёрагоҳ атрофидаги ҳиёбонларнинг ўзига қараб туриб, бу ерда истиқлол йилларида нақадар катта ўзгаришлар бўлганлигини ҳис қилдик.

Андижон уста пахтакорлар, ташаббускор ғаллакорлар юрти. Пахтачиликда «Андижон усули» шу ерда туғилди. Бутун ўзбекларнинг қалбини ғуруру фарахга тўлдириб юборган, Ўзбекистонни автомобиль мамлакати, деб эътироф этилишига сабаб бўлган шаҳар ҳам шу вилоятда жойлашган. Эндиликда Асакадаги «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг «Нексия», «Дамас», «Тико» автомобиллари бутун дунё йўлларида югуриб юрибди. Юртимиз шарафини янада оширмоқда. Дастлабки пайтларда цехларда асосан кореялик мутахассислар меҳнат қилган бўлса, энди қўшма корхонада куни-кеча «фақат кетмондан бошқа нарсани билмайди» — дея талқин қилинган ота-боболаримизнинг фарзандлари мураккаб дастгоҳларни бошқаришяпти.

Ана шундай ўй-хаёллар билан кўзлаган манзилимизга етиб келганимизни ҳам билмай қолибмиз. Мана кўз ўнгимизда Андижон «Автотеххизмат» акционерлик жамиятининг муҳташам биноси. Бино олдидаги кенг майдондаги баланд айвонда «Нексия» автомобили — ўзбекнинг янги куни ярақлаб турибди. Шу пайт Асакадан мойи артилмаган, яп-янги «Нексия», «Дамас», «Тико» автомобиллари карвони келиб қолди. Дарвозалар кенг очилди. Биз ҳам ичкарига кирдик. Кириб бордигу бу ердаги тартибинтизомни кўриб ҳайрон қолдик. Ҳаммаёқ текис асфальт қилинган. Тўғрида эса тайёр автомобиллар омбори. Омбор лиқ тўла. Унинг атрофларига ҳам машиналар қатор қилиб терилган.

Кетма-кет харидорлар ҳам келиб туришибди. Улар сотиб олган яп-янги автомобилларини чап томондаги «Сотув олди кўриги»дан ўтказишмоқда. Ёш ва сергайрат усталар машиналарни тезда кўтарма кранлар ёрдамида юқори кўтариб, мурватларини яна бир бор кўздан кечириб, мустаҳкамламоқдалар. Шундан сўнг ҳайдовчиларга «йўлингиз ҳамиша бехатар бўлсин!» деб оқ йўл тилайдилар.

Ўнг томонда эса автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахонаси бўлими фаолият кўрсатяпти. Улкан цехга шатак ёрдамида олиб кирилган машиналар қисқа муддатда таъмирдан чиқарилмоқда. Ёш, ҳар томонлама билимдон йигитлар мижозларни хушфеъллик билан кутиб оладилар. Машинанинг «касали»ни тезда аниқлайдилар ва зарур чораларни кўрадилар. Мижозларнинг қувноқ кайфиятда бўлишига эришадилар.

— Бизнинг ишимизда энг муҳими мижозларнинг кўнглига йўл топиш, — дейди автомашиналарни таъмирлаш учун қабул қилувчи уста Сайдулло Хўжамбердиев. — Машинани қабул қилиб олгандан сўнг уни яхшилаб тузатиб, шай ҳолда эгасига топшириш ва унга оқ йўл тилаш асосий вазифамиздир. Бинобарин шундагина ҳозирги кучли рақобат шароитида мижозларимизни йўқотмаймиз, балки кўпайтирамиз. Шу мақсадда малакамизни тинмай ошириб боряпмиз. Чунончи биз йигирма киши «ЎзДЭУ» автомобилларига хизмат кўрсатиш сирларини Жанубий Кореяга бориб ўрганиб келдик. Моҳир усталардан Бахтиёр Хўжаев, Ҳусанбой Умаров, Авазбек Ашуров ва Муҳаммадали Қодировлар жамоамизнинг фахри.

Андижон «Автотеххизмат» акционерлик жамияти бошқарувининг раиси Содиқжон Тошматов ҳам хушмуомала киши экан. У бизни ўз ишхонасида илиқ кутиб олди.

— Корхонамиз аслида 1978 йилда ташкил этилган эди, — дея сўз бошлади Содиқжон ака. — Оддийгина автомобилларга хизмат кўрсатиш цехи эди. Ўша даврда «Волга», «Жигули», «Москвич» автомобиллари таъмирланарди. Вақт ўтган сари корхонамиз доврўғи орта бошлади. Ниҳоят, мамлакатимиз истиқлолга эришгач, қисқа вақт ичида ўзимизнинг автомобиль заводимиз ҳам ишга тушди. Бизнинг корхонамиз эса йирик автомобиль салонига айланди. Энди ўзимизнинг автомобилларимизни етказиб келиш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланяпмиз. Масалан ўтган йили «ЎзДЭУавто» корхонасининг 3 мингдан зиёд автомобилини аҳолига етказиб бердик. Бу 3 миллиард сўм маблағ давлат хазинасига тушди, дегани. Ойига бир ярим-икки миллион сўмлик хизмат кўрсатдик. Демак, хизмат кўрсатиш турлари жиҳатидан савияминг юқори экан. Бир кунда бош станциямиз 50-60 тадан автомобилларга хизмат қилади. Кузовлар ҳам таъмирланади. Узоқдан келган мижозларга алоҳида хизмат кўрсатилади.

Эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда эса тендер усулини қўллаяпмиз. Шу йўл билан турли фирмалардан арзон нархларда эҳтиёт қисмлар оляпмиз. Бундан ташқари узоқдан келган мижозлар учун замонавий меҳмонхонамиз бор. Ошхона, чойхона кеча-кундуз ишлаб турибди. Ишчилар учун ҳам яхши шароитлар яратилган. Кийим ўзгартириш хоналари, ювиниш хоналари ишлаб турибди.

Янги машина сотиб олган кишиларнинг баъзилари бирон қўшимча нарса ўрнатишни хоҳлайди. Масалан, янги диск, магнитофон, бампер ва ҳоказо. Шу боис бу ерда махсус дўкон очганмиз. Мақсадимиз мижозларга қулай шароитлар яратиш. Шу ернинг ўзида «Асака» банкининг бўлими ҳам жойлашган. Машина оладиганлар шу ернинг ўзида ҳисоб-китоб қилишлари мумкин.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидламоқчиманки, шаҳримиз ва вилоятимизда аҳоли зич жойлашганлигини ҳисобга олиб, бешта жойда янги автосалон очдик. Бу жойларда ҳам янги автомашиналар сотилади ҳамда уларга техник хизмат кўрсатилади.

Бу йил «ЎзДЭУавто» корхонаси 100 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқаришни режалаштирган. Бизга эса 3,5 минг автомобилни сотиш учун етказиб беришади. Шу йил бошида, яъни биринчи ойда 400 автомобиль аҳолига сотилди. Ёки 500 миллион сўмлик автомобиль мижозларга етказиб берилди. Февраль ойига мўлжалланган эҳтиёт қисмларни ҳам олдик. Баъзи мижозларимиз ўзлари танлаган рангдаги машиналарни сотиб олиш учун бир ой олдиндан ҳам пул тўлаб қўйишади. Биз эса буюртмани бир ойга чўзиб ўтирмасдан, анча илгари, ҳатто бир соат ичида бажариб бераоламиз.

Режаларимиз ҳақида гап кетадиган бўлса, шуни айтмоқчиманки, эндиликда туманларда бўлимларимизни кўпайтирамиз. Шу йўл билан ўз хизмат турларимизни харидорларга яқинлаштирамиз. Ўша шаҳобчаларимизни ҳам бош станциямиздагидек, замонавий асосда қурамиз. Бу бизнинг бизнес режаларимизга киритилган. Айтмоқчи, корхонамизга мурожаат қилиб келувчи мижозларимиз бошқа вилоятларда ҳам кўплаб топилади. Чунки улар қарийб 21 йилдан бери ўз машиналарини бизда таъмирлатиб кетадилар. Ҳозир ҳам кўплаб мижозларимиз бу ердан кўнгил узиб кетганлари йўқ.

Корхонамизнинг даромадлари ҳақида гапирадиган бўлсак, биз унинг асосий қисмини ишлаб чиқаришни янада кенгайтиришга, қолаверса, ишчи-хизматчиларимизни рағбатлантиришга сарфлаймиз. Бундан ташқари хайрия ишларига ҳам кўплаб маблағ ажратамиз. Масалан, жонажон Андижон шаҳримизни ободонлаштиришга ёрдам беряпмиз. Республика «Умид» жамғармасига эса бир миллион икки юз минг сўм маблағ ўтказдик. Ахир хорижий юртларда билим олиб келадиган ёшлар мамлакатимиз тараққиётига келгусида ҳисса қўшади-ку! Бу савобли иш, албатта. «Андижон», Тошкентнинг «Пахтакор» футбол жамоаларига ҳам ёрдам бердик. Болалар ва қариялар уйларига хайрия кўмаклари беряпмиз. Мустақиллик, Наврўз, байрамларидаги тадбирларга ҳам маблағ ажратяпмиз. Ҳамонки корхонамиз ҳукуматимиз ва вилоят ҳокимлигининг мадади билан оёққа туриб олган экан биз ҳам ўз навбатида савобли ишлар қилишга бурчлимиз. Бундан жуда мамнунмиз.

Айтгандек, ўтган йилнинг бошларида биздан машина сотиб олганлар учун лотерея ташкил этган эдик. Йил якунига кўра лотерея ғолибларидан уч кишига «Тико» автомобилларини мукофот тариқасида бердик. Бундан ташқари, акционерлик жамиятида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича танлов эълон қилгандик. Кимки йил давомида автомобилларга беш юз минг сўмликдан зиёд хизмат кўрсатса, ўшанга «Тико» автомобили эллик фоиз арзонлаштирилган нархда сотилди. Бундай шарафга икки ходимимиз муносиб бўлди.

Содиқжон ака билан суҳбатимиз узоқ давом этгани йўқ. Бироқ шу қисқагина суҳбат асосида «Автотеххизмат» акционерлик жамиятида амалга оширилаётган кўпгина ибратли ишлардан воқиф бўлдик. Ўйлаймизки, корхона жамоаси эришилган натижалар билан кифояланиб қолмайди. Янги-янги вазифаларни уддалашга қодир бўлган ушбу жамоага омад ҳамиша ёр бўлсин!

Шоҳидар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари

Суратларда: корхона фаолиятидан айрим лавҳалар

Жиноят жазосиз қолмайди

Самарқанд вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ҳуқуқ-тартибот органлари ишларини давр талаби даражасига кўтариш, йўл қўйилаётган хато-камчиликларни зудлик билан бартараф этиш ва ҳар қандай кўринишдаги жиноятларнинг олдини олиш ислоҳотларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳақида вилоят прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Алишер Ҳусаинов батафсил фикр-мулоҳазалар юритди.

— Ўтган йили рўйхатга олинган жиноятларнинг ўта оғир турларидан — қотиллик, талончилик, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, ўқ отар қуролларни ишлатган ҳолда жиноят содир қилиш ва уларни сақлаш ҳолатлари камайди. 12 та уюшган жиноий гуруҳларнинг фаолиятига барҳам берилди, — деди маърузачи. — Жиноятлар Самарқанд шаҳрида — 159, Пастдарғомда — 84, Ургутда — 71, Каттақўрғон туманида — 40, Оқдарёда — 36 тага ошган. Қотиллик жиноятлари вилоят бўйича камайган бўлсада Каттақўрғон туманида — 5, Челакда — 4, Пастдарғомда — 3 тага кўпайган.

Нафсиламбирини айтганда, кўпгина тергов ишлари талаб даражасида эмас. Ички ишлар терговлари томонидан тугалланган ишлар камайгани билан бирга жиноят ишларини қонунда белгиланган муддатдан ортиқ ёки сифатсиз тергов қилиниши оқибатида суд ва прокурорлар томонидан ишларни қўшимча терговга қайтарилиши ошган. Уч нафар киши ноқонуний жиноий жавобгарликга тортилгани учун суд томонидан оқланди.

— Алишер Абдуваҳобович! «Раҳим асфальт» — «Самарқандқурилиш трести» собиқ раиси Р. Насимовнинг кирдикорлари, қонунни бузганликлари фош этилганди. Тергов жараёни қандай кечяпти?

— Тергов ҳаракатлари пухта ва аниқ ўтказилмоқда. У жамоатчилик асосида вилоят бокс федерацияси раиси бўлиб ишлаган пайтида «Қурилиш материаллари комбинати» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Лутфулла Муҳаммадиев билан жиноий тил бириктириб бокс федерациясига ҳомийлик ниқоби остида 230 минг дона пишиқ ғиштни ўзлаштириб юборганлиги, уйида ўқотар қурол, ўқ-дориларни қонунсиз сақлаганлиги, «Колхозқурилиш» трестига қарашли моддий таъминот таъминлаш бўлими бошлиғи Ваҳоб Ҳамидов, трестга қарашли тайёрлаш-сотиш базаси директори Фарҳод Қудратовлар билан жиноий тил бириктириб катта миқдордаги ёғоч материалларни талон-торож қилганлиги ҳамда бошқа қонунни бузган ҳаракатлари бўйича айбланмоқда ва тергов ишлари олиб борилаяпти.

Тергов жараёни вилоят прокуратураси томонидан қаттиқ назорат остига олинган.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 16 fevral, seshanba № 20 (24.415).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Омадлари келди

DAVIS CUP by NEC

Шундай бўлди. «Дэвис» кубоги учун Осиё-Океания минтақасининг биринчи гуруҳига кирувчи Ўзбекистон — Покистон терма жамоалари учрашувида теннисчиларимизнинг омадлари юришди. Бўлмаса бу сафарги мусобақага меҳмонлар алоҳида тайёргарлик билан келишганини таъкидлашганди. Гап бошқа-ю, иш бошқа деганларидек, майдонда ҳаммаси ойдинлашди. Биринчи куни албатта, Покистон теннисчилари бўшашмасликка, имкониятларидан етарли фойдаланишга зўр беришди. Вадим Куценко билан Ойсам ул-Ҳақ Куреший учрашувида меҳмоннинг 6:1, 7:5 ҳисобида устун келгани ҳам шундан нишона бўлди. Фахримиз ҳисобланган Олег Огородов эса Муҳаммад Холиқни уч сетда бир хил — 6:3 ҳисобида мағлубиятга учратиб, жамоадошлари руҳини кўтарди. Шанба куни эса мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлди. Мутахассислар ва ҳакамлар совриндорлик баҳсига ташкилий ва тадбирий жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилгани, «Юнусобод» теннис кошонаси жаҳон андозаларига мослигини таъкидлашди. Кейин Огородов ва Томашевич жуфтлиги Муҳаммад Холиқ ва Ойсам ул-Ҳақ билан майдонга тушдилар. Бу учрашув ҳам теннисчиларимиз фойдасига ҳал бўлди. Умумий ҳисоб 2:1 га етди. Мусобақанинг учинчи куни эса Огородов яна бир ғалабага эришиб, жамоадошлари ютуғини мустаҳкамлади. В. Куценко эса Азим Шафиқ билан учрашиб, умумий ғалабани 4:1 га етказди. Шундай қилиб, теннисчиларимиз кубок учун курашнинг навбатдаги босқичига кўтарилишди. Мусобақага эса «NEC» корпорацияси билан «Кока-Кола» компанияси ҳомийлик қилди.

Жавоб тўплари бўлармикан?

Спорт

«Пахтакор» футболчилари Осиё кубок эгалари кубоги учун курашнинг чорак финал учрашувида қандай «каромат» кўрсатишини мухлислар орзиқиб кутгандилар. Ниҳоят, футболчиларимиз сафарда Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоаси билан куч синашдилар. Афсуски, бу ўйинда пахтакорчилар учта жавобсиз тўп ўтказиб юборишди. Энди «Пахтакор» курашни давом эттириш имкониятига эга бўлиш учун 21 февраль куни ўтказиладиган такрорий учрашувда меҳмонлар дарвозасига камида тўртта жавобсиз тўп киритиши лозим.

Кўнгилдан кўчирмалар

Ҳаёт берган сабоқлар

* * *

Эшитяпман, қуёш жуда ҳам гўзал, анҳор қирғоғидаги сувга осилиб турган чечаклар бир ажиб манзара ҳосил қилган эмиш... Ва қушлар нозик қанот қоқишлари, ҳашаротларнинг учишлари ҳам кўриладиган нарсалардан эмиш.

Эшитаманки, кечалари кўк юзида ёрқин нурлар кўринармиш. Тўлқинлари кўз ёшлар каби ҳазин бўлган денгиз ичида оқ елканли кемалар оқиб келармиш.

Эшитяпманки, гулларнинг ранглари ажиб латофатли эмиш. Далалар, тоғлар, анҳорлар, сувлар, ўрмонлар ва тонг отаётган чоғлар шунчалар гўзал, шу қадар ширин эмишларки, бу буюклик ва ҳашамат олдида лол қолган инсон Раббига иймон келтирар эмиш. Фақат мен, ўша тўлқиннинг, шовқинини эшитганим денгизни, уларнинг шакли шамойилини, на ўша гулларни, на кўк юзини, на қуёшни, на у гўзал меваларни, на қушларни, на тунлару на тонгларни кўриш бахтидан маҳрумман.

Эй Оллоҳим! Бу Фоний дунёнинг ҳеч бир гўзалликларини орзу қилмайман, илло... онажонимни, мунис, мушфиқ онажонимни бир бор кўрсам эди.

Тўпловчи: Мен ҳам эшитдимки, айрим кимсалар соппа-соғ кўзларининг қадрига етмай бошқа аъзоларининг бутунлигини ғанимат билмай гуноҳлар қилиб ўзларини залолатга отадилар.

* * *

Бир одам қушлар шоҳи товусни томоша қилар экан, тумшуқлари билан ўзининг қанотларидаги гўзал ва бир-биридан порлоқ патларини юлаётганини кўрди ва ҳамдардлик ила сўради:

— Эй гўзал қуш, бу не синоатки, ҳар бири елпиғич қилмоқ, китоб саҳифалари орасига қўймоқ ва ё безак учун жуда керак бўлган бу патларни юлиб отяпсан?

Товус бироз тургач:

— Сен, ҳақсан, ҳақсан, — дея жавоб берди. — Аммо бу патлар менинг жонимдан азиз эмас. Чунки бу патлар туфайли овчилар менинг жонимга қасд этадилар. Жонимни сақлаб қолмоқ учун хунуклашишим керак.

* * *

Ўз даврининг энг буюк олимларидан бири бўлган Замаҳшарийнинг бир оёғи кесилган эди. Ундан бунинг сабабини сўраганларида ул буюк зот шу жавобни берди:

— Болалигимда ўйин учун қушларнинг оёқларига ип боғлар ва уларни ўнга-сўлга судраб қийнар эдим. Онам ҳар сафар менинг бу қилиғимдан ранжир ва бу қилиғимни ташлашимни сўрар эди. Бир куни яна бир қушни шундай қилиб ўйнар эканман, ипни қаттиқроқ тортибман шекилли, бечора қушнинг оёғи синиб қолди. Онам қушдан ҳам кўпроқ қийналаркан, аччиқланиб:

— Шу қушнинг оёғини синдирганинг каби Оллоҳ сеникини синдирсин, — деди беихтиёр.

Орадан бир кун ўтгач, оёғимни синдириб олдим. Ва қорасон касаллигига учраб шу ҳолга тушдим.

Гулсара ТУРСУНОВА
тайёрлади

Маънавий комиллик сари

Инсон камолотининг маънавий асосларини фалсафий таҳлил қилишга бағишланган академик Э.Юсуповнинг монографик тадқиқоти алоҳида ажралиб туради.

Ушбу монографиянинг пайдо бўлиши Ўзбекистондаги объектив ижтимоий-тарихий, маънавий-ахлоқий тараққиёт жараёнларининг илмий-назарий, мантиқий инъикоси бўлибгина қолмай, балки сўнгги йилларда нашр қилинган «Истиқлол шабадалари», «Истиқлол йўлида», «Маънавият ва жамият тараққиёти», «Одамийлик сабоқлари» каби йирик асарлари давоми ва натижасидир.

«Маънавият» тушунчасининг кенг қамровлигини акс эттирувчи фалсафий-гносеологик таъриф борасида академик Э. Юсупов ёзади: «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг кучи ва қудратидир, тараққиётнинг имкониятлари ва истиқболларини белгиловчи ички ижобий, руҳий омилдир». Бунда олим маънавиятнинг ирсий, ирқий, диний ёки соф миллий сифат эмаслигини, умуминсонийликка боғлиқлигини кўрсатади.

Маънавият ижтимоий ҳаёт шароитларининг оддий инъикоси, оқибати бўлибгина қолмай, ижодий-яратувчилик акс таъсири, воқеликдан айланиб ўтиб, илгарилаб кетиш сифати ва хусусиятларига эга эканлиги ҳам очиб берилган. Ана шу ҳар учта фундаментал жиҳат — маънавиятимиз асослари халқимиз маънавий мероси дурдоналаридан олинган, тарих синовидан ўтган ўгитлар, масал-маталлар, мақоллар, ибратли сўзлар намуналарини таҳлил этиш, умумлаштириш орқали кўрсатиб берилган.

Китоб — содиқ дўст

Китобнинг яна бир муҳим хулосаси «XXI аср — маънавий камолот муаммолари устувор аҳамият касб этадиган давр» сўзларида мукаммал ифодаланган. Бу масалалар таҳлили Ўзбекистон муаммоларини ҳам ички кўрсаткичлари асосида (конкрет-социологик сўров натижалари келтирилиб, таҳлил этилган) ҳамда жаҳоннинг АҚШ, Япония ва бошқа ривожланган давлатлари билан қиёсий таҳлил этиш асосида ёритилган. Юксак замонавий ва ҳозиржавоб билим, технологик савия, малака ҳал қилувчи эканлигини таъкидлар экан, академик Э. Юсупов ҳақли тарзда ёшларнинг яхши ўқиш, юксак малакали касб-ҳунар эгаллаш ўрнига «олиб-сотарчиликка» берилиб кетиш истиқлолий тараққиёт талабларига жавоб бермаслигини алоҳида таъкидлаган.

«Маънавият инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждон, иймон, эътиқоди, дунёқараши, мафкуравий қарашларининг бир-бири узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимидир».

Китоб олий ўқув юртлари, ўрта махсус билим юртлари мураббийлари, аспирант ва докторантлар учун, маънавият ва маърифатнинг амалий-ташкилий муаммолари билан шуғулланувчи барча қизиқувчилар учун муҳим қўлланма бўла олади, деб ўйлаймиз.

А. АЮПОВ
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор

Нафс гирдоби

Дунёдаги ҳар бир мавжудот, ҳатто гиёҳлар ҳам бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. Табиат, жамият ва инсон яхлит бир бутунликни ташкил қилади. Жамият ҳаёти бевосита табиат билан уйғундир. Ҳозирги пайтдаги айнан бизнинг юртимиздаги экологик аҳволнинг бузилиши ҳар биримизни таажжублантиради, албатта. Не-не ажойиб боғ-роғлар, доривор гиёҳлар пайҳон қилинди. Ноёб ҳайвон ва парранда турларига қирон келтирилди. Ҳозир ҳам баъзи парандаю жониворларга беписанд қарашади. Бир воқеа аниқ ёдимда. Бундан бир неча йиллар аввал бир кекса қўшнимиз бўларди. Бир пайт бизникида ўтирганида, товуқларга сепилган донни ейиш учун қора қарға келиб қўнди. Қўшнимиз ўзи ёши олтмишларда бўлса ҳам чаққон ҳаракат қилиб тузоқ қўйди. Тузоқда типирчилаётган қора қарғани тутиб олди.

— Икром бобо, қарғани нима қиласиз? —дея сўрадим.

— Қизим, момонгиз шўрва пишириб беради-да.

Бир куни ён қўшнимизникига чиқдим. Совутгич олдига бордим. Эшигини очиб музлаб ётган узун бир илонни кўриб қўрқувдан бақириб юбордим. Сайёра опа кириб ҳолатимни тушундида: — Ахир, ўлгану, Баҳриддин амакингиз менга дори деб олиб келибдилар, — деди.

Яратилган жамики маҳлуқотда ҳикмат мавжуд. Буни унутмаслик керак.

Гўзал НОРЧАЕВА

Олмонияга саёҳат қилишни хоҳлайсизми?

Олмон тилини ўрганинг

— Тошкент Давлат чет тиллар институтининг немис тили факультетини 1983 йилда тугатиб, ўзим ўқиган мактабга Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 10-мактабга ишга келдим, — дейди Хайринисо опа Мамадалиева. Бугунги кунда унинг шогирдлари кўп. Кўплаб ўқу чишогирдлари Самарқанд давлат чет тиллар институтини тугатган ва бир қанчаси таҳсил олмоқда.

Опа айниқса синфдан ташқари тадбирларга кўп эътибор берди. «Алифбе» байрами, «Чет тилини биласизми?», «Чет тили ҳафталиклари», «Ўйла, изла, топ» ўйинлари, «Олмонияга саёҳат қилишни хоҳлайсизми?» каби тадбирлар ўтказилиши ўқувчиларда немис тили фанига қизиқишни орттирди.

Хайринисо опа 5«б» синфга мураббийлик қилади. Муаллима синф ўқувчилари ва ота-оналар билан яқин алоқада бўлиб, ҳар бир ўқувчининг шахсий сифатларини ўрганиб, оилавий ҳаёти билан танишишга ҳаракат қилади.

Орамиздаги одамлар

Яқинда у киши фаолият кўрсатаётган мактабда «Олмония ҳақида фикрлаймиз» мавзуида чет тили фани ўқитувчилари иштирокида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинар ташкилотчилари — туман услубият кенгаши раиси Т.Аннаев ва мазкур мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Хайринисо Мамадалиева анжумандан кўзланган мақсад ҳақида олмон тилида маъруза қилдилар.

Шундан сўнг Х. Мамадалиеванинг бир соатлик очиқ дарси кузатилди. Дарсда 11«а» синф ўқувчилари Олмония ҳақида олган билимларини ўзаро савол-жавоб, саҳна кўринишларида намойиш этдилар. Айниқса, З. Раҳимова, Ж.Абдураимов, С. Нормирзаева, М. Ҳамидова каби ўқувчилар немис тилини мукаммал ўрганиб бораётганликларини намойиш этдилар. Ўқувчиларга чет тилини ўрганишда шеър, ашула ва саҳна кўринишлари услубий жиҳатдан катта ёрдам бераётганлигини семинар иштирокчилари эътироф этишди.

Эсиргап ТУРОБОВ,
техника фанлари номзоди, доцент

Янги тиббий мажмуа

Қашқадарё вилоят ортопедия хусусий соғломлаштириш мажмуаси иш бошлади. Мазкур даволаш масканида тананинг таянч-ҳаракат қисмлари шикастланиши ва касалликлари, умуртқа поғонаси, бўғинасаб ҳамда уларнинг йирингли касалликлари даволанмоқда. Унда Тошкент, Москва, Киев, Санкт-Петербург, Новосибирск каби катта шаҳарлардаги даволаш усулларидан қолишмайдиган энг малакали ва замонавий даволаш тадбирлари қўлланилмоқда.

— Даволаниш жараёнида бирон бир дори-дармон ёки ортопедик мосламалар учун бош қотиришга, шунингдек овқатланиш учун ортиқча сарф-ҳаражат қилишга ҳожат йўқ. Ҳаммаси даволанувчилар учун муҳайё этилади, — дейди соғломлаштириш мажмуаси раҳбари тиббиёт фанлари доктори, профессор, Тоштемир Ўнгбоев.

Бу ерда даволаниш нархлари республика миқёсида энг арзон бўлиб, барча тўлов воситалари қабул қилинмоқда.

Даволаш масканига таниқли олимлар, юқори мамлакат врачлар жалб этилган.

Ўт балосидан асрасин

Ёнғинга қарши хизмат

Ҳаётда ҳамиша эҳтиётсизлик, бепарволик панд беради. Хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш болаликдан одат бўлса, самараси ҳам шунга яраша бўлади. Аксинча, бундай қоидаларга риоя қилмаслик, Давлат ёнғинга қарши назорат бўлимларининг талабларини бажармаслик оқибатида бултур Тошкентнинг ўзида 2573 та ёнғин содир бўлди. Давлатга 22600818 сўмдан кўпроқ зарар етди. 38 киши ҳаётдан кўз юмди. 78 нафари турли хилдаги тан жароҳати олди. Шу йилнинг дастлабки 25 кунида эса 150 марта ёнғин чиққани қайд этилди. Хусусан, Тошкент шаҳар Миробод туманида ҳаммадан кўп ёнғин содир бўлди. 5 киши ҳалок бўлди, 9 нафар одам жароҳатланди. Келтирилган зарар 1318146 сўмга етди.

Ёнғинларнинг аксарияти фуқаролар турар жойларида юз беради. Сабаби газ ва электр асбобларидан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, сигарета чекишда бепарволик ҳамда ёш болаларнинг гугурт ўйнашларидир. 4 январь куни Акмал Икромов тумани Кўркам кўча, 1-уйда ёнғин чиқди. Ўт ўчириш машиналари етиб келганда 1,3 ва 5 уйларнинг хоналари, том ва бўғотлари аланга остида эди. Натижада 3 та хонадон моддий зарар кўрди. Ачинарлиси, тилсиз ёв хонадон соҳиби Хусан Қодиров, рафиқаси Роҳат Қодирова ва фарзанди — 7 ёшли Дилшод ҳаётига зомин бўлди. Маълум бўлишича, тандирга уланган газдан нотўғри фойдаланганлик оқибатида ёнғин юзага келган. 1 январь куни Миробод тумани Мирсолиҳов кўчаси 27-уйда яшовчи А. Каклинков бензин ҳидлайман деб ёнғиндан тан жароҳат олган. 8 январда у куйганлар марказида жон берди. Шу куни Фарғона йўли, 2-тор кўча, 51-уйда ҳам газ асбобидан нотўғри фойдаланиш оқибатида ёнғин чиқиб, уй томининг 100 квадрат метр майдони кулга айланган. Эртаси куни яна шу кўчадаги 52-уй, 13-хонадонда қаровсиз қолган болалар носоз телевизорни қўйиши сабабли ёнғин чиққан. Ҳайтовур ўт ўчирувчилар болаларни қутқариб қолишди.

Кўриниб турибдики, ўт билан ўйнашиш бепарволик, хавфсизликка риоя қилмаслик оқибатида хонадонлар катта зарар кўрмоқда. Шунинг учун ҳар куни, ҳар соатда, айниқса уйларни одамсиз қолдириш чоғларида эҳтиёткорлик қилинмаса ана шундай нохушликлар юзага келаверади. Каттадир, кичикдир, ёнғинга қарши хавфсизлик қонун-қоидаларидан бохабар бўлмоғи даркор. Бунинг учун болаларнинг гугурт ўйнашига йўл қўймаслик, газ ва электр анжомларидан фойдаланишида эҳтиёткорликка ҳамда мўриларнинг созлигига эътибор қилиш зарур. Аввало, ҳаммамизни ўт балосидан асрасин. Илло, Яратган ҳам ўзини асраганни асрайман, деган.

Жалол АСҚАРОВ,
ички хизмат капитани

«Ҳозир суратга оламан» *Саъдулла БОБО олган сурат*

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан НИБЕСО фирмасининг Тошкентдаги ваколатхонаси бошлиғи Фрибель Пиотр номига 1998 йил 30 мартдан 18 декабргача берилган №00001179 сонли рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги карточка йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси томонидан Малика Аҳмедованинг Болалар хайрия жамғармаси номига 1995 йил 27 мартда 1774 тартиб рақамда берилган 15333575 номерли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Саодат» ижодий жамоаси хотин-қизлар журналининг илк муҳаррирларидан бири, кекса журналист **Саодат ая ШАМСИЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.

Факс —133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳайдар НОСИРОВ*, навбатчи *Бобомурод РАЙИМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ХАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 25.805 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 089

Босмага топшириш вақти 21.00
Топширилди — 21.34
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА